

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ  
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**382** «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион сав-  
доларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш  
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1467-1*

*(2012 йил 18 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги  
Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил,  
51-сон, 480-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

26 апрелдаги ПҚ–335-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2005 йил 23 мартдаги 01/06-РБН/01-сон «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1467, 2005 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 117-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Раис в. б.**

**А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 27 июль,  
01/09-18-/11-сон